**Нилуфархон!** Қалб кечинмаларнингизни ўқиб ҳайратдан ёка ушладим. Бирбира зид воқеалар-а? Бундай бўлишига ўзингиз айбордосиз, албатта. Севиш, севилиш ҳар бир бошда бор савдо. Севмоқнинг айби йўқ. Аммо чин севги покликни тақозо қиласди-да! Бир йигит сизга севги изхор қилганида гап-сўзларга қолиб кетгисиз. Бу ҳолатта ҳамма ҳам дуч келади. Энди Ж.га келсак. У ҳақдаги воқеалар бәнни мени таажзуга солди. Унни севибди. У сизга хиёнат қилиби. Агар чиндан ҳам севганингизда эди, хиёнатини кечириб унга турмушга чиқардигиз. Ҳиёнат деб сизнинг кильмишларнингизни айтса бўлади. Мурғақ қизчангизу, қалби пок умр йўлдошингизнинг олдида кимсиз?! Умр йўлдошингизнинг: "Ҳалиям уни севасан!" - деган сўзига фарзандингиз учун "Йўқ, мен сизларни севаман", десангиз бўлардиди! У йигитнинг гуноҳи нима? У ҳам севиси, севилиши келади.

Бу севганинг нимаси?

Қани сиздаги аёллик латофати? Х.ни ҳам ҳеч кимга бергингиз келмас экан, торгина бағрингизга тօдек улкан мұхаббат қандай сиғди? Мен буни мұхаббат, деб ўйламайман. Бу ўткинчи хавас. Бир инсоннинг никоҳда бўла туриб, бошқа билан учрашиш...

Читтак шоҳдан-шоҳга кўйиб юргани билан ҳеч нимага эришолмайди. Умр йўлдошингизни үлім билан олишаётганда ҳам сиз бекорчи ўй хаёллар билан ҳорибисиз-а?! Ҳақиқий баҳт бир-бира суюнни яшаш эмасми? Нега умр йўлдошингизни бунча ҳўрлайсиз. Ҳозир ҳам кеч эмас. Оилангиз бағрига қайтинг. Умр йўлдошингизнинг уволидан кўркинг. Сизнинг қилаётган ишингиз муслмон аёлига хос эмас. Агар чин дилдан севсангиз мұхаббатингизни юрагингизда асранг.

Нилуфар! Ҳалолликка ошно бўлинг. Ҳалоллик йўлчи юлдуз. У сизни баҳт қасрига элтади.

**Моҳира БҮРИЕВА**  
Термиз шахри



Нилуфар опа, турмуш ўргонгизни сизни чин дилдан севадиган инсон экан.

Ж.ни эса унунинг. У сизни сира ҳам севмаган. Агар севганида, баҳтилинигизни тилаган бўларди. Опажон, турмуш ўргонгизнинг бағрикенлиги шундаки Ж. бир неча маротаба ўйнингизни келиб, уришиб кетса-да, сизга бирор маротаба ҳам қаттиги галирмабди.

Ҳеч бўлмагандана норасида фарзандингизни ўйланг. Бир куни келиб: "Менинг дадам қаерда?", - деб савол берса, не деб жавоб берасиз? Ҳуандан иккি ўт орасида колмасмиканисиз? "Биринчи мұхаббатимни деб дадандан кечганиман дейсизми ёки даданг бизни ташлаб кетган дейсизми?"

Нилуфар опа, не бўлса ҳам оиландизни асраб қолиши учун ҳаракат килинг. Оллоҳ ҳеч кимни биринчи баҳтидан ташлаб кетган дейсизми?

Нилуфар опа, не бўлса ҳам оиландизни асраб қолиши учун ҳаракат килинг. Оллоҳ ҳеч кимни биринчи баҳтидан ташлаб кетган дейсизми?

**Мұхаббат МУРОТОВА**  
Қашқадарё вилояти,  
Нишон тумани

## МУҲАББАТ ЎЛАМАЙДИ

Қадри М. ака! Ҳасрат тўла мактубингизни ўқиб, мұхаббатнинг гўзл осмонида парвоз қилгандай бўлдим. Оллоҳ сизни ана шундай ўлмас, бокира мұхаббат билан сийлашга сийлабди-ю, таъқидлаганингиздек "синов дунёси"га дуор қилибди. Лекин ҳафа бўлманд. Чунки Оллоҳ сўйган бандарини ёмон йўлдан қайтариш учун кайти, фам бериб синар экан. Аммо мұхаббатини оракда жондай асрар, ардоқлаш хамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Шунданд суюнингки, Оллоҳ сизни буюк мұхаббат билан сийлаб, мустаҳкам иродани ҳам дарип тутмабди.

Қанийди ҳаммага шундай мұхаббат ёр бўлса. Зоро мұхаббат азобсиз бўлмайди. Сизнинг мұхаббатнинг каби пок ишқнинг азобли ўйлуни, шу ишқ билан дунёдан ўтишини ҳар ким орзу қиласди.

Илоҳим, ҳаётнинг энг гўзл улушини хис килиб яшаш ҳаммамизга ҳам насиб этсин! Қуидаги шеърим, мұхаббатнинг азобли, сирли даррлари ҳақида.

**Қолди шўх нигоҳлар, табассум,**  
**жилва,**  
**Қолди ер остидан секин боқишилар,**  
**Қолди юразимни ўйнантан ишиш,**  
**Кўнгил дарёсида тўйлиб оқишилар.**

**Бариси хаёлдан ўтади бир-бир,**  
**Дилда маҳзун-маҳзун қўшиқ**  
**айтишлар.**  
**Эсласам ҳали ҳам титрайди**  
**зир-зир,**  
**Онр қадам ташлаб ортга**  
**қайтишилар.**

"Бу синов дунёси..." 13-сон  
2004-йил

**ЭСЛАТМА:** 19 ёшимда тиббиёт институти талабаси Ҳамидали севиб қодам. Мен ҳам институттага кирдим. Аммо, севганини атшишига имконим ўйқ, қўлим калтамлик қилирали. Бир куни у қўлимга тўй тақлифномасини тутқизди...

Оралан 30 ўйдан кўп вақт ўтганда кутмалагана учратдим.

Х.М.



Ўтган кунга қайтмоқ ўйқ жоним,  
Оғир ўтган кун-ла яшамоқ.  
Тул согинчи елкаларда кўттармок,  
Қийин жоним бу азобда яшамоқ.  
Ойсоат АВАЗОВА,  
Термиз ДУ талабаси





## ТАНГА ДАРМОН БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР



Ўсимлик гулларидан тайёрланган мураббо асални эслатади. Эрта билан соат 6-7 ларда ўсимлик хушбўй нектарга тўлганида гуллари йигиб олиниди. Сўнг 100 гр. гулига 900 мл. сув нисбатида олиниб, 2-3 дона лимон парраги кўшилади ва паст оловда 40-50 дақика кайнатилиди, докадан ўтказилиди. Кейин бир кг. канд ёки шакар кўшилади ва 60-80 дақика кайнатилиди. Карабизики, малхамижон мурраббо тайёр.

Ўсимлик ўт (сафро) хайдовчи таъсирга эга. Бунинг учун бир ош кошиғида ўсимлик барглари ва гуллари олиниб, 200 гр. қайноқ сувга солинади, 20 дақика дамланади, сузилади.

**МОМАКАЙМОК**  
Бу кўп йиллик ўсимлик йўл ёкаларида, арик бўйларидаги, боғларда ўсади. Гуллари сарик-тилларанг. У иштаҳа очувчи, таом ҳазмими яхшилашада, қабзийт, корин дам бўлганда, сарик ва жигар хасталигида, бод, қандли диабет, қон босими ошганда, пешош йўли, бўйрак-тош, сил, кўтири, чилкон, кўйган жойларни даволашда, сўгалларни олиб ташлашда яхши даво бўлади. У айниқса камкўнликда, кувватсилика фойдалидир.



Ба 2-4 кошиқдан кунига 3 маҳал таомдан ярим соат олдин ичилади. Унинг илдизидан малҳам тайёрлаш учун обдон майдаланади. Бир пиёла қайноқ сувга бир ош кошиқ, солиниб, паст оловда 30 дақика милтиллашиб қайнатилади. Сўнг қайнатмадан 2-3 ош кошиқдан 3 маҳал ичилади.

Карбизики, малхамижон мурраббо тайёрланади. 2-3 кошиқ янги куритилган ўсимлик олиниб, устига 200 гр. қайноқ сув куйилиб, бир соат дамланади. Кейин кунига 3-4 марта 30-40 гр. дан ичилади. Экстракти тайёр ҳолда дорихоналарда бўлади.

Жаф-жаф ичак фаолиятини ўғулнаштиради. Эрта баҳорда жаф-жаф ўсимлигидан чучвара, кўк сомса ва башка таомлар тайёрланади. Бўйракдан кон окишини тўхтатишда унга кирк

### Жаф-жаф "чўпон халтаси"да нима бор...

Бу ўсимликнинг меваси шакли "чўпон халтасини эслатгани учун ўсимлик шу ном билан аталади. Бу ўсимлик халк табобатида ва илмий тибиётда кон окишини тўхтатувчи восита сифатида кўлланилмоқда. Халк табобатида гастрит, мъеда яраси бор, ичбуруф, бўғин оғриқ-



лариди, бавзан юрак ва таносил касалликларида янги олинган шираси тавсия этилади. Ширази 50 томидан ичилади. Дамламаси ва экстрактида кон босимини тушириш хусусияти бор. **Дамлама куйидагича тайёрланади:** 2-3 кошиқ янги куритилган ўсимлик олиниб, устига 200 гр. қайноқ сув куйилиб, бир соат дамланади. Кейин кунига 3-4 марта 30-40 гр. дан ичилади. Экстракти тайёр ҳолда дорихоналарда бўлади.

Жаф-жаф ичак фаолиятини ўғулнаштиради. Эрта баҳорда жаф-жаф ўсимлигидан чучвара, кўк сомса ва башка таомлар тайёрланади. Бўйракдан кон окишини тўхтатишда унга кирк

бўғим ўсимлиги кўшилса, нафли бўлади. Бурундан кон кетгандан бурунга ҳам томизилади. Шунингдек, жаф-жаф обzon қилишда, турли яраларни ювища кўлланилади. Дорихоналарда майдаланган ҳолда маҳсус кўтичаларда бўлади. Демак, жаф-жаф ўсимлиги "чўпон халтаси"да бир олам даво бор экан... Шу билан бирга айни баҳорда дармон бўларкан.

### Ялпиз: ҳам зиравор, ҳам доривор

Таркибида эфир мойлари бисер. Яна ялпиз таркибида органик кислоталар, флюеноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин. С дармон-дориси, минерал маъданлар жо бўлган. Шулар туфайли у бир талай касалликларда ишлатилади. Жумладан, ялпиз еб, кетидан сумза зардоби ичилади. Томирларнинг кенгайшияга ёрдам беради. Хусусан ёввойиси иштаҳа камлигига, мъеда заифлигига ва хиҷоқчоҳда наф беради. Ялпиз танани сафрондан тозалайди. Шимдириш ва латифлаштириш таъсирга бор. Кўнгил айнишини босади. Кайнатмаси пешоб хайдайди. Ичак, кўкрак оғриғида, мъеда, сарик касаллигига, йўтала ва бошқа хасталикларда яхши наф келтиради. Чанзоди яхши наф келтиради. Газзанда чақандаги ҳам яхши омилдир. Унинг барглари тутатилса ёки ерга йўйиб кўйилса, зараркундалар, ҳашорлардат келтиради. Ялпиз барги дамламиси оғриғи колдиди, асабини тинчлантиради, юрак фаолиятини яхшилайди.

Баргидан дамлама тайёрлаш учун 200 гр қайноқ сувга 1 ош кошиқ майдаланган барглар солиниб, ярим соат кўйиб кўйилади, ва доқада сузилади. Дамлама кунига бир ош кошиқдан ичилади. Ялпиз уруғи эса кишини терлатади. Тоғ ялпизи



оёқ ёрилишларига наф беради. Кичима касалликларга мубтало бўлган кишилар обзан қулсаллар (ялпиз кайнатмаси сувлари билан) даво бўлади.


Халк табобатида ялпизнинг кайнатмаси тиши оғриғи, мілк яллиғланишида кўлланилади.

Ялпизни ҳам зиравор, ҳам доривор дея атадик. Инчунун баҳор пайтида жаф-жаф, исмалоқ, кўк пиёз, ўйнгичка, момакаймок каби ўтлари билан бирга тоамлар тайёрлаб истемол қилинса, юкумли хасталиклардан муҳофаза килади.

**М. МИРЗАШАРИПОВ**  
тайёрлади.

## ТОТЛИ, ТЎЙИМИ, ФОЙДАЛИ

Киш бўйи толиқкан танамиз баҳорда дармондориларга катта эҳтиёж сезади. Киш учун саклаб кўйилган мевалардаги фойдали дармондорилар бу вақтга келиб ўз кучини йўқотади. Аммо, куритилган мева қокилари таркибидаги дармондорилар 100 фоизгача сакланади.



### МИСЛСИЗ КУВВАТГА ЭГА

Одамлар куритилган меваларни қадим замонлардан бўён истемол килиб келишган. Айтишларича, Миср пирамидарини кураётган ишчиларга саримсоқиёз, пиво ҳамда, бир ховучдан куритилган мевалар беришларкан. Пиво уларнинг ташнагини қондиаркан, саримсоқпиюёз турли микроблардан сакласа, куритилган мевалар эса уларга мислсиз кувват ато этаркан.

### ҲАММАБОП ШИРИНЛИК

**МАЙИЗ** - ёш болалар истемол қиласа ҳам бўладиган бебаҳо неъматидир. Уни еган бола тинчланади, сутга қўшиб берилса йўталаған фориг бўлади. Майиз узумларга қараб турли навларга бўлинади. Майдай узумдан тайёрланган ва "Сабза" деб аталган уруғсиз кишиши майиз энг фойдалиси ҳисобланади. Таркибида калий, магний бўлиб унинг ширинлигига тенг келадигани йўқ.

**АНЖИР** ҳам шифобахш мевалардандир. Бироқ уни кўп ейиш, мигрен касаллигини келтириб чиқаради. Анжир мевасида кальций дармондориси бор. Таркибидаги оқсиллар мўллиги билан мевалар орасида биринчи ўринда туради. Бир стакан анжир дамламасидан ичсангиз у бир бўлак гўштнинг кувватини берар экан.

**КОРА ОЛХУРИ** ҳам худди шундай хусусиятларга эга. Бу меванинг таркибидаги мўлкуп пектин моддаси кишининг кайфиятини яхшилаб, депрессия ҳолатининг олдини олади. Уни мунтазам истемол қилинса хотирани мустаҳкамлаб, мъеда-иҷак фаолиятини яхшилайди. Қора олхурини пиширилган гўшт билан қўшиб истемол қилиш, шунингдек ўсимлик майдай пиёз билан қовуриб ейиш ҳам мумкин.

**ТУРШАК**, яни ширин ва серсув ўрикнинг меваларини куритиб олиб қишида истемол қиласангиз беҳоллик сезмайсиз. Ўрик туршагини эзиз ундан ажойиб пире тайёрлаша мумкин. Илиқ сувда ивитеиб есангиз юрак иш фаолиятини яхшилайди.

### СИНАБ КЎРИНГ

**200** грамм туршак, шунча миқдорда қора олхурни ва анжирни майдаланг. Унга асал ва ёнғоқ арапластириб, ҳар куни бир қошиқдан еб олсангиз кун бўйи ўзингизни тетик ҳис қилиб юрасиди.

Кўркам ва гўзал бўлиб юришини истасангиз ҳар куни бир ховучдан туршак еб туринг. Туршак таркибидаги дармондорилар терингизни силлиқ, таранг қилиб, танадаги ортиқча ёсларни эртиб юборади.

Агар озмоки бўлсангиз уни туши ва кечки овқатдан олдин истемол қилингиз керак. Мева қокиларини шундок ейиш ҳам фойдали. Улар таркибидаги оқсиллар тезда мияга сўрилиб, тўклиқ туйгусини беради.

### ЎЗ КОИДАСИ БОР

**■ Куритилган мева қокиларини политэлин халтада сакламаганинг маъқул.** Бундай сакланган қокилар таркибидаги бебаҳо дармондорилардан маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳам кишиларни турли тикилиб, шур сувга ўтириб олиб куритилган копчаларда сакланг. Шунда улар йил давомида ўзининг шифобахш хусусиятларини саклаб колади.

**■ Куритилган меваларни истемол қилишдан аввал иккى соат ивитеиб кўйинг.** Шунда улар яхши ҳазм бўлади. Қоқи ивитеиб гўядаси эса асал қўшиб ичишинг фойдаси катта.

**■ Олча, кора смородина, малина меваларини ҳам бемалол қуритса бўлади.** Аммо, олма қокиси күёшда куритилганда таркибидаги фойдали дармондориларни умуман йўқотмайдиган ягона мевадир. Шунинг учун олма қокиларини күёшда куритиши олиниади.

**ГУЛБАШАКАР** тайёрлади.

**ЖИГАРИНГИЗ НИМАНИ  
ЕКТИРАДИ?**

**Баъзан оғзингиз таҳир бўлиб ўнг қовурғанизниң остида оғрик сезасизми? Унда жигарингизга эътибор қилинг!**

Қандай маҳсулотлар истемол килияпиз? Сабзи, қарам, лавлаги,

помидор, бодринг, қовок, шивит, петрушкага эътибор қаратинг. Оқсили овқатлардан учча ёғлик бўлмаган баликлар, гўштлардан эса бузук ёки курканини маъкул. Пишлок, кефир, йогурт, янги соғифлан сут, творог, илитилган тухум фойдали. Агар аллергиянгиз бўлмаса жигар учун энг бебахо маҳсулот асалдир. Уни кунига бир чой кошиқдан иккى маҳал ичинчингиз мумкин. Шунингдек, жигарни тозалайдиган даволаш гимнастикаси ("велосипед", "қайчи" шаклидаги) билан шугууланингиз мумкин. Бу эса жигар учун ўзига хос массажидир. Шалфей, ялпиз, тиронкул, мингбарг, момокаймок, ўтларидан бир ош кошиқдан солиб, устига бир литр кайнок сув куйб тун бўйи ўраб кўйинг ва бир ош кошиқдан истемол килинг.

Жигар тузланган, дудланган, ачичик, ёғлик, алкоголли ичимликлар, куюқ қаҳвадарни хуш кўрмайди. Ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш ҳам жигарга оғирлик килиди.

Зинкафас, ошқозон яраси ва бўйрас билан боғлиқ, муаммолар бор. Жигарнг кўзлар эса қабзигит ва ошқозонда касалник борлигини билдиради. Яшил кўзлар эса ошқозонда кислоталини ошганидан дарак берар экан.

Жисмоний ва руҳий зўриқишилар натижасида ёйсимон парда атрофида томчи шаклидаги доғлар ва айланалар пайдо бўлади. Агар сиз вақтида даволансангиз бу белгилар тезда йўқолиб кетади.

**КЎЗГА ҚАРАБ АНИК  
ТАШХИС КЎЙИШ**

Мутахассислар кўзнинг ёйсимон пардасидаги рангларга қараб соғлиқ ҳақида аник ташхис кўйиш мумкин дейишмоқда. Агар кўзларнинг ранги мовий ёки кулранг бўлса артрит, бўғин касалликлари,

**ДАРДИМГА ДАВО ТОПДИМ****УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...**

**Соғлом ва узок ҳаёт кечириш кўпроқ ўзимизга боғлиқ. Хитой, Шарқ, Тибет табибларининг бу ҳақда жуда жуда кўп қадимги даволаш усуслари мавжуд.**



Мана бу малҳам эса умрингизни яна-да узайтиради. Танангиздаги умумий қонайланиш фаoliyatinini яхшилашиб, тикилмаларни очади. Соғлиқ учун foят фойдали булган ушбу даволаш усуслини беш йилда бир марта кайтариш көнчигида яхшилашиб, танангиздаги конайланиши меъёрига келади.

Бунинг учун 500 грамм писта ёғи, 500 грамм майдаланган саримсоқпийё, 300 грамм зигир керак. Ённи саримсоқпийё билан араплашибири қонору хонада уч кун сакласангиз. Саримсоқпийё ёёхосил бўлади. Бу ёғга ундеқ килиб майдаланган зигирни кўшасиз. Ҳаммасини яхшилашиб араплашибири тайёр бўлган массани музлатичга қўясиз. Уни ҳар куни овқатдан олдин бир чой кошиқдан ичасиз.


**Мұхаббат БЎРОНОВА,  
Ургут tumani.**

**АГАР АЛЛЕРГИЯДАН ҚИЙНАЛСАНГИЗ**

Мен аллергиядан йиллар давомиди қийналдим. Аъзои-баданимнинг кизил доғлар билан қопланиши кўнглимни хира қилиб, атрофдагиларда ҳам нохуш таасирот қўлдиради. Бир куни ишга юзимидаги кизил доғлар билан боришимга тўғри келди. Яхши ҳам шундай қилган эканман. Ҳамма ўзича маслаҳат берди. Шулардан биттаси менга жуда катта ёрдам берди. Ва

мен буни аллергиядан қийналаётган бошқалар билан ҳам ўтколашгим келди. Буни даволаш учун озигина эътибор қўлсангиз кифоя. Дориҳоналардан шувоқ (ёвшан ҳам дейишади) дамлама олиб, кунига 15-20 томчидан, бир кунда уч маҳалдан ичинг. Ёки буни ўзингиз ҳам тайёрлашингиз мумкин. Шувоқни май ойидай йигиб олиш керак. Уни бир чой қошиқ ўтустига бир стакан қайнок сув солиб бир кунда уч маҳалдан ичсангиз, аллергия бутунлай ўтиб кетади.

**С. МИРЗАЕВА,  
Андижон viloyati.**

**ДОРИЛАР БИЛАН СИЗЛАБ ГАПЛАШИНГ****1 Таблеткаларни зинхор юваниш  
хонаси (ванна)да сақламанг.**

У ердаги нам ҳаво, дорилар ҳар қандай маҳкамланган бўлмасин, барibir таъсир қиласди. Натижада дори таркибидаги моддалар ўзгарида ва улар даволаниша фойда бермайди.

**2 Ўзингизни яхши хис кила бошлашингиз билан**

дорилар ичишини

**САЛОМАТЛИК НУҚТАСИ**

Бошингиз оғрияптими? Ёки ўзингизни ёмон хис этаپизми? Унда бўйса қулоғингизни уканланг. Үқаларкансиз кулокнинг бир жойи-нуқтаси оғрик сезасиз. Ана шу солиногидаги жойни кўрсаткич бармогингиз билан топиб қалам билан бегиланг. Қулоғингиз сиртқи томонидаги ҳам шундай оғрикли нуқтани топиб ўша жойга чап кўлингизнинг кўрсаткич бармогини босинг. Ичидаги қалам билан белгиланган нуқ-

таворов тўхтатманг. Даволаниши охиригача ётказиш шарт. Акс ҳолда қасаллик вируслари танангизга ўрнашиб олади ва улар билан курашиш кийинлашиди.

**3 Шифокорлар таблеткаларни майдаламасдан** ичиши тавсия этишади. Гап шундаки, мураккаб таркибли дорилар маҳсус парда билан қолланган бўлади. Агар улар майдаланса таркибидаши шифобаҳшилилк хусусиятлари йўқолиши мумкин.

**4 Канча нокурай бўлса-да таблеткаларни** бошқа дорилар билан аралаштирасдан ўз кутилирида сақлаша харакат килинг. Улар бошқа дорилар билан алмашини қолиб муаммолар тутдириси мумкин.

**5 Дориларни ҳеч қачон шарбат** (соклар) билан ича курманг. Шарбатларда ошқозондан ферментлар фаoliyatinini сусайтирадиган моддалар бор. Бу эса зарарлидир.

тани учли қалам ёки тиш ковлагич билан охиста, соат миллари бўйича айлантириб уканланг. Шунда енгил оғрикни сезасиз. Шу жойда илимлик ва кейин иссилик пайдо бўлганинни хис эташиз. Аста-секинлик билан оғрикни камая боради ва бошингиздаги лўқиллаш ҳам йўқолади. Буш оғригингиз тўхтаб, ўзингизни тетик хис эта бошлийиз.

**НАВҚИРОНЛИК СИРИ**

**Ёшимга нисбатан анча ўш ва тетик кўринаман.** Бунинг сири шундаки таамандаги чиқчиларни маҳсус дамлама билан доимо тозалаб турман. Дамаламини тайёрлаш жуда оддий ва осон: бир стакан шивит уруғи, иккى шо кошиқ майдаланган валиериана илдизи ва иккى стакан асални оласиз. Кечкурун ҳаммасини термосга солиб дамлаб

қўясиз. Эрталаб тайёр бўлган дамламани сузуб олиб, ҳар куни уч маҳал билан ошқозондан овқатдан олдин истемол киласиз.

**K. МУХТОРОВ,**  
Тошкент шахри.

**АГАР ОЁКЛАРИНГИЗ ТЕЗ ТОЛИҚСА****Баъзан кечга бориб оёқларимиз симилаб оғриётганини хис эташиз.**

Чунки оёқларимиз зиммасига бизнинг оғир вазнимизни кўтариб юриш, ноқулай пойабзандан азоб тортиш, кўпичка танафафусиз, тик туриб ишламишингиз чидашдек маъсльиат юқлиятланган. Оғиғини айтганда ҳар доим юзимиз, кўлларимизни парвариш қилишга вақт топамизу, аммо, оёқларимизга келганда... Қаҷончи оғриб бошласа - шундагина уларнинг борлигини эслаймиз. Мен ҳам ёғ, оғриғидан азоб тортардим. Уқалардим ва кечалари оёқларим остига ёстиқ кўйиб ёттардим. Бир танишим оёқлар учун оддий муолажа усулини айтиб қолди. Оёқларингиз оғриса сиз ҳам қўйидаги муолажани килиб кўринг.

Бир стакан тозаланмаган кунгабоқар мойига бир чой қошиқ ўш тузини солиб, туз эригунча араплашибисиз. Ённи бироз иситишингиз ҳам мумкин. Тунги ўйкудан олдин ушбу тузли ёғ билан оёқнинг кафтини, товон қисмидан бошлаб болдир ва тиззагача суриби, уқалаб чикасиз. Шундан кейин оёғингизни целофан көғоз билан ўраб, устидан пайпок кийиб оласиз. Эрталаб яхшилаб артасиз. Ёки ярим соат ўтирганингиздан кейин иссиқ сув билан оёқларингизни ювиб ташлашингиз мумкин.

**Муборак РАЖАБОВА, Қўқон шахри.**

**ОШҚОЗОН УЧУН ОДДИЙ ДАВО**

**М**ен ошқозонда овқат яхши ҳазм бўлмаслигидан илгари жуда кийналардим. Ошқозоним доимо жиззилаб оғриб турарди. Бир куни тобим бўлмай қолди. Шунда бир ходимимиз қадимги муолажалардан бирини синаб кўришини маслаҳат берди. Бу жуда осон экан.

Агар сизда шундай муаммолар бўлса мана шу усулини бир синаб кўринг: Ноҳни майдалаб уни това да корайиб кўмирга айлангунча ковуринг. Кейин шу куқун холига келгунча туйинг, бир чой қошигини, 25

грамм ароқ билан араплашибири, дархол ичиб юборинг. Бир кунда уч маҳал овқатдан сўнг ичасиз. Бу муолажани ҳафтада бир марта тақрорлаш керак. Бир неча ойгача иккита ҳафтада бир кун бу муолажа ни тақрорласангиз, овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолардан бутунлай фориг бўласиз.

**Д. КАРИМОВА,  
Кирай тумани.**

**Б. САЙДАЛИЕВА тайёрлади.**

Гайтида "зомбилаш" билан Африканинг Дагомеяси (хозирги Бенин)дан чикқан кора танли кулларнинг авлодлари шуғулланишган. Зомбилаш маросими иккни қисмдан иборат бўлади: катт этиши ва кайта тирилтириш.

Зомбига айлантириш мўлжаллаб кўйилган кишининг таомига иккни тиши балидан олинган заҳар солиши. Овқатни истемол қилган курбоннинг нафас олиши тўхтайди, териси кўкариб, кўзлари қотиб қолади - клиник ўлим ҳолатига тушади. Орадан бир неча кун ўтгач, мархумни тирилтириб, зомбига айлантириш учун қабридан олиб чиқишиди. Бундай қайта тирилган жонзотда энди хотирадан асар ҳам колмайди. Манкурт-зомбига ёраланиб фақат хўжайнининг бўйргани бажаради, холос.

Бир неча кун Гайтида бўлиб қайтган британиялик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, зомби учин жисмонан бакувват кишилар танланган. Уларни тирилтиригач, кўп холларда шакарқами плантацияларида кўп килиб ишлатишган. Юкорида эслатганимиздек, "зом-

билаш" маросимини Гайтига дастлаб да-  
гомеялик неглар олиб келишган. Ажаб-  
ланарлиси шундаки, Бенинда ҳозир ҳам  
"зомбилаш" мавжуд. Бу тўғрида ана шун-  
даки сенса-  
и штироқ этган аме-  
рикалик шифокор-сайёҳ Жорж Райт гу-  
вохлик беради:

"Ер юзида тириклидан нишона бўлма-  
ган одам ётибди. Мен уни кузатиб  
кўрдим - у ўллик эди. Маросим бошлан-  
гандага ҳамма бирдан жўр бўлиб, қандай-  
дир кўшиқ айта бошлади. Бу - кўшиқ  
эмас, аллакандай "дод-вой", чинкирик-  
ни эслатарди. Товушлар тобора зўрай-  
иб, тезлашиб боради. Чиндан бундай  
товуш ўлликни оёқка турғизди. Ҳақиқатан  
ҳам шундай ҳол юз берганини кўрганим-  
да ҳайратдан қотиб қолдим! Мурда ку-  
тилмаганда кўпинча кўкрагига кўйди ва  
туришга уринди. Шунда жўр овозлар ку-  
чайиб, оҳу ногага айланди. Доира ажга-  
минди. Ниҳоят жасад ердан кўтарилиб,  
мархум ўтириди. Оёқларни букиб, тиз  
чўкиб ўтириди. Бундан бир неча дакиқа  
ёруғлика эътиборсиз қотиб қолганд  
кўзларни кatta очилган, бизга қараб ту-  
рарди..."

## ...ИЛОНХЎР ОДАМ

Акобанинг хотини Анутдининг умри илонга боши коронги бўлиб ўтди. У 60 ёшга кирган бўлса, шу ёшга етгича мингга якин илонни ошқозонига жойлади. Шунча илоннинг бошига етиб нечта тудги экан, дерсиз. Бор-йўли 19 нафар. Йигирманчисига ҳомиладор. Яна илонга боши коронги Акобанинг умри илон ушлаш, сотиб олиш, илон кидириш билан ўтди. Бирор кун уйда тинч ўтирганини билмайди. Уйда ҳам илон шўрвадан бошка овқат ўйқ. Хотини эса. Олтмиш кирса ҳам йигирма-  
шаш жувонга ўхшайди. Акоба илон шўрва ичишдан олдин дарёга бориб ўзини соғубиги келади. Бўлмаса ис-  
сифи ошиб кечаси билан ухломай чиқади. Хотини бўлса, етмиш ёшда ҳам туғиб, болалар сонини 30 нафарга етказаман, деб эрининг тириш тушган пешонасини баттар тириштириди.

Бир пайтлар Кашмирда яшаган Мунир исмли йигит гаройиб кучга эга эди, дейишади. У ўқизлар ўрнига ўзи-  
ни аравага ўшишларини сўраб, бир кунда фил ҳам, от ҳам бажара олмай-  
диган ишни бажарар экан. У аравадаги юқин Кашмирдан 100-150 км. атрофдаги жойларга тўхтамасдан олиб бориб берар экан. У бир ютурганича шунча масофага тўхтамай боргани учун наебатда турадиганлар кўп бўлган. Тог йўлла-  
рида ҳам йигит тўхтаман кетаверган. Йўлда кетаётган пай-  
тда тўхтамасдан овқатланишни ҳам унутмаган. Яна у йўлда учраган чиройли қизларга гап отиб ҳам кўярди. Мунир оила курган. Оиласини ҳам доимо йўлда олиб юрган. 4 та фар-  
зандини ҳам хотини йўлда туккан. У катта пул толиб, бой-  
бадавлат яшаши мумкин эди. Мунир шу йўлни танлаган ва оиласи билан баҳтила яшаган.

Меъёридан ортиқ ичган Йошкоролалик фуқаролардан бири саноат моллари сотила-  
диган дўконга дўконда кириб исиниб олмоқчи бўлди. У ичкарига кириб маҳсулотлар кўйилади-  
ган яшилардан бирига жойлашилди олди-да, иссиқдан яй-  
раб ухлаб қолди. Ярим тунда ўйгониб ёлғиз ўзи қолганини сизиб қолди. Гугурт ёкиб пештахтада турган

жемперларни кўрди-ю, иккитаси-  
ни устма-уст кийиб олди. Эшикни очмоки бўлганинда эса сигна-  
лизация ишлаб кетди. Ютуриб кел-  
ган соқчишар эса уни кўриб кулиб юбориши. У шошилгандан болалар кийиб олган ва масхарабозга ўшаб колган эди.

## ИСИНМОҚЧИ Бўлди-ю...

Газета "Шарқ" нашриёт-матбая компанияси босмахонасида чоп эти-  
лади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-үй.  
Босишига топшириш вақти - 20.00  
Босишига топширилди - 21.00

Газета "Шарқ" нашриёт-матбая компанияси босмахонасида чоп эти-  
лади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-үй.  
Босишига топшириш вақти - 20.00  
Босишига топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилиди ва саҳифаланди.

## МУШУК - НАРИГИ ДУНЁДАН ҚАЙТАРГАН...

Молдованинг Окница шахрида ўзига ўнни шайдиган эллик саккиз ёши аёл Мария Чаос мушукни ўзининг халоскори деб билади. Мушук уни нариги дунёдан қайтарган, шундан сўнг, жониворнинг ўзи жон таслим қилган. Вокеа бундай бўлган: Мария Чаос одатдагидек ўйида рўзгор юмушларини бажариб юргонда кўқисидан кўкрагида қаттиқ оғриқ туриб, хушини йўқотиб йиқилади. Дардинг зўридан у ўлаётганини зўрга хис этиб, хаёт билан видолашиб чоғи етганини англайди. Шу пайт унинг суюкли мушуги беҳуш ётган бекасининг кўкрагига чикиб, кулча бўлиб, айни оғриқ тутган жойга ўтириб олади. Баҳта қарши бу пайт уйда хеч ким бўлмайди. Бека шу ётганича бир кун ётади. Карадиншиларни бир топиб, ўйга киришганда Мариянинг кўкрагига тошни қотиб ўтирган мушукни кўришиди. Касалхонада беморга тибий ёрдам кўрсатишиди. Мушук эса ўлади. Бекасининг иккор бўлиб ўйтган гапларига караганда, унинг тириқ қолишига мушуги сабабчи бўлган экан. Жонивор стенокардияга учраган бемор аёлнинг кўкрагига йи-  
филган зарарли энергияни шундок "узига тортиб олган". Бекасининг дардини олган мушук "ортиқа юк"ни кўтарида очилган.

## КУНАДА БЕШ ФАРЗАНА...

Инсоннинг таваллуд топиши му-  
носабати билан ўтказиладиган "ке-  
ча"пар ўзгача гаштила бўлади.  
АҚШда беш фарзандли Коммин-  
слиар оиласи бор. Кизиги шундаки,  
1962 йилдан то 1966 йилгача бу оиласи-  
ши шарт экан.

Мехригие - доривор ўсимликлардан бири бўлиб, табиятда жуда камдан-кам учрайди. Марказий Осиёнинг Олой ва Хисор тобларида учратиш мумкин. Мехригиинг хусусияти ўлим тўшигидан ётган бемор истевмол кўлса ҳам оёқка туради. У ҳар қандай дардга даводир. Мехригие табиятда факат от ва ўйларбасили кўринади. Бошқа ѹиллари ўзига куч тўлаб ётаверади. Унинг барглари худди кулупнайнинг баргларига ўккаш

## СИРЛИ ГИЁХ

бўлади. Мехригиина баҳорда апрел ва май ойлари кечаси момақалдирик ва чақмоқ чакқандагина кўриш мумкин ва шу чакмок чакқанда меҳригие 6-7 банд бўлиб ўсади. Худди фосфор суртилгандай чакмокдан сўнг ярим дакиқалар чамаси ўзидан ёргуллик чиқариб туради. Шу вақтда ўсимлика бирорта белги кўйшиш керак, зинхор кўл билан ушламаслик даркор. Мабодо кўл билан ушланса, у холда ўз хусусиятини йўқотади. Мехригие нур чиқариши билан оқ чивлир иштаб белгилаб кўйиш керак ва тонг отиши билан гиёҳ илдизи билан кавлаб олинниб, қора матода тикилган қоччиқа авайлаб со-лидий сакланади. Мехригиинг сириҳали яхъя ўрганиламаган. Сирли гиёхлигича қомкоқда.

да ҳар иили биттадан фарзанд дунёга келди. Бунинг унчалик кизиги йўқ, дейишингиз табий. Ахир болаларнинг ҳар бири бир кунда, яни 20 февралда туғилган. Комминслиар оиласида ийли бир-варакайига беш фарзанднинг ту-  
ғилган куни нишонланади.

## ОШКОЗОНДА...

Санкт-Петербургнинг Новочеркасский шох кўчасидаги хонадонларнинг бирида ўтирглик содир бўлади.

Боскинчи кечаси кўл қаватли ўйдаги сув ўтадиган кубур орқали учинчи қаватга кўтарилиб, ўйдераси-  
ни очиши билан тўсатдан сигнализация ишга тушди. Вокеа содир бўлган жойга милиция хо-  
димлари етиб келгунга қадар, ўғри икки дона 55 ва 47 ўчмадаги тиля занжирларни топиб улгурди. Бирор милиция билан учрашиш мукаррарлариги сезган ўғри... иккала занжирни ҳам юборади.

Ўғри кўлга туширилиб, милиция бўлумида сўрқ қилинаётган гайда тўсатдан ўнинг корни оғриб қолди. Тиббёт ходимлари омади келмаган ўтиргининг ошқозонини ўшишди ва ҳангумаг бўлиб қолишиди. Чунки, ошқозон изидан ашёвий далил сифатида тилла занжирлар тушди.

## СЕВГИ ДОҒИ ЯШИНДАН КУЧЛИМИ?

Ҳаёт давомида бир эмас, етти(!) марта яшин уриб, омон қолган дунёдаги ягона одам американлик истироҳати боғи хизматчи Рой К. Салливан хисобланади. Ило бор яшин билан 1942 йили "тўкнаш" келди. Бу тўкнашув оқибатида Салливан бир оёғининг боз бармогидан айриди. Худди шундай тукнашув орадан 27 йил ўтиб, 1969 йилнинг июн ойидаги яна такрорланди. Бу сафар унинг коши кўйиб тушди. Орадан ролла-роса бир йил ўтиб эса ўнг елкаси кўди. 1972 йилнинг 16 априлида яшин унинг сочига кўз олайтирилди. 1973 йил 7 август куни эса боши саёнини кўйидири. 1976 йил 5 июнда Салливаннинг тўпиги яшин уриши татижасида қаттиқ шикастланди. Сўнгти бор яшин уни 1977 йил 25 июн куни балиқ овлаш билан машгул пайтида "сийлаб" ўтди. Бунинг оқибатида у корни ва кўкраги кўйиб, оғри ахволда касалхонага келтирилди... Кирк йил давомида яшин етти марта уриб ҳам кўйдиролмаган одамни омадисиз мухаббат дого аризмаган муддат ичда кўйидири кул килди - Салливан ўз жонига касд этди.

БАСИРА ва М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрлаши.

## ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Ақциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 027-рекам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 540. Формати А-3, хажми 4 табок.  
Адади - 18762  
Сахифаловчи - Ш. БАРОКОВ.  
Рассом - Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи - Б. САЙДАЛИЕВА.  
Мусахих - С. САЙДАЛИМОВ.